*Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!*

# ТОШКЕНТ оқшоми

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети ва халқ депутатлари шаҳар Советининг органи

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган. ◉ № 287 (6. 776) ◉ 1988 йил 16 декабрь, жума ◉ Баҳоси 3 тийин

**ТОНГГИ ГАЗЕТАЛАРДА**

⊙ КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг Арманистонда ишлаётган комиссияси фаолияти ҳақида, СССР Министрлар Советининг Раиси Н. И. Рижковнинг барча арманларнинг олий патриарх-католикоси Вазген I билан суҳбати ҳақида расмий хабарлар эълон қилинган.

⊙ «Октябрь ғалабаларининг ворислари» — Литва социалистик революциясининг 70 йиллиги муносабати билан «Правда» газетасида берилган мақола ана шундай номланади.

## XXIII Тошкент область партия конференцияси олдидан

## Енгил саноат аълочиси

**● Бир ерда қунт билан узоқ ишлаган кишилар бу корхонада кўп. Носир Умархўжаев шулардан биридир. Мана 45 йилдан ошдики, у ишчи касбига гард юқтирмай келаяпти.**

— Ўрта мактабни тамомлаб «Узбексельмаш» заводига ишга келганимда уруш йиллари бўлиб, 14—15 соатдан кунларга туҳларни улаб ишлардик, — дейди ветеран ишчи. — Ўша даврлардаги шарт-шароитларда ишлаган одам бугунги кундаги қулай шароитдан ҳар қанча миннатдор бўлса арзийди.

Н. Умархўжаев 1946 йилгача заводда ишлаб, кейинги иш фаолиятини Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартияси 50 йиллиги номли тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмаси билан боғлаб келаяпти. 1948 йилдан бери бичиқчилик цехида ишлаяпти.

Бугунги кунда у цех машъали, ёшларнинг меҳрибон устозидир. Ўнлаб шогирдлари шу бирлашмада устозлари изидан боришиб, фидокорона меҳнат қилишмоқда. Зокир Жўраев, Василий Гемилдинов, Нўъмон Қурбонов ҳамда Флюра Полтаеваларнинг номини ҳурмат билан тилга олиш мумкин.

Цехга келган ёшларни Носир акага бириктиб қўйишади. Уларга касб ўргатиш билан бирга одамийлик, ҳалоллик, касбга ихлос қўйиш сабоқларини ҳам ўргатиб келаяпти.

Ветеран материалларни тежаб-тергаб бичиш йўлларини излаб, ўзининг кўплаб истак ва таклифларини киритган. Натижада цехда йилига минглаб сўмлик костюмлик материал тежаб қолинади. Бу ишга кекса бичиқчи муносиб улуш қўшаётганидан хурсанд. Бир неча беш йиллиликлардан бери у шахсий мусобақаларда ғолиб чиқиб келяпти. СССР Енгил саноат ходимлари ўртасида ўтказилган мусобақада ҳам ғолиб чиқди. У «СССР Енгил саноат аълочиси» деган шарафли ном эгаси бўлди. Узоқ йиллик ҳалол меҳнатлари эвазига «Ҳурмат Белгиси», Меҳнат Қизил Байроқ орденлари, қатор медаллар билан мукофотланган.

**С. СУЛТОНОВ.**

## Бинокорлар армуғони

**● Кейинги 2—3 йил мобайнида пойтахтимизнинг Студентлар шаҳарчасида ётоқхоналар қурилиши тез суръатлар билан авж олиб кетди. Биргина шу йилнинг ўзида бу ерда қатор турар жой объектлари қад ростлаб, шаҳарча ҳуснига-ҳусн қўшди.**

Утган ойларда «Главташкентстрой»нинг 12-трест 49-қурилиш бошқармаси бунёдкорлари томонидан «Аспирантлар уйи» фойдаланишга топширилди. Бу ёшлик масканида В. И. Ленин номидаги Меҳнат Қизил Байроқ орденли Тошкент Давлат университетининг 200 га яқин бўлажак олимлари истиқомат қилишмоқда.

Улар бошқарма бинокорларидан мамнун. Чунки бу олий даргоҳ ёшлари яна бир ётоқхонага эга бўлишди. Тўққиз қаватли 240 ўринга мўлжалланган бу ётоқхона ҳам ана шу қурувчиларнинг бунёдкорлик меҳнати билан барпо этилди. Барча қулайликларга эга бу замонавий ётоқхона муддатидан бир ой олдин фойдаланишга топширилди.

— Объектда, дейди участка бошлиғи Қилич Ёрлақабов, — «Отделстрой»нинг 29-қурилиш бошқармаси комсомол-ёшларидан иборат икки бригадаси аъзолари иш олиб боришди. Чунончи, Меҳнат Қизил Байроқ ордени нишондори Турсун Саъдиев ва Собиржон Исоев бош бўлган бригада ёшлари ўзаро мусобақалашиб, ғайрат-шижоат кўрсатиб меҳнат қилишди.

Ҳар иккала бригада коллективи шу кунгача ТошМИ комплексининг бош корпуси, Семашко номидаги илмий-текшириш институти бинолари қурилишида сифатли пардозлаш ишларини амалга оширдилар.

Бу ишларда дурадгор Зафар Худоёров, бўёқчилар Жамолиддин Ҳамроев, Улуғбек Мусаев, сувоқчи Антонина Андрюшенко, ойнасоз Зоир Носирбеков ва бошқалар кўпчиликка намуна бўлишмоқда.

**А. ТУРДИЕВ.**

## ЗАМОНДОШИМИЗ

ОБЛАСТЬ ПАРТИЯ ТАШКИЛОТИНИНГ САЙЛАНАДИГАН ОРГАНЛАРИГА НОМЗОДЛАР

## Мезон — қайта қуриш!

**Константин Петякшевни ҳеч иккиланмай актив, жанговар позицияда турганлар сафига қўшсак бўлади. Гап унинг моҳир йиғувчи токарлигида ёки Тошкент қишлоқ хўжалик машинасозлиги ишлаб чиқариш бирлашмасида чорак асрдан буён меҳнат қилиб келаётганида эмас. Ҳатто Бутуниттифоқ Халқ Хўжалиги Ютуқлари Виставкасининг медалига сазовор бўлганида ҳам эмас. Бу ўринда гап унинг қайта қуриш жараёни ҳар бир ишчи-хизматчи олдига қўйган вазифани чуқур тушунгани ҳақида боряпти.**

**У ўз ишига доимо ҳалол ва виждонан ёндошиш кераклигини биринчи галда таъкидлайди. Бусиз умуман қайта қуриш ҳақида гап ҳам бўлиши мумкин эмас. Аммо коммунист учун шунинг ўзигина кифоямикан! Масалан, К. Петякшев — коммунист. Хўш, у ишчи сифатида план топшириқларини ҳамиша ошириб бажаради, сифатга ҳам катта масъулият ҳисси билан ёндошади.**

**Корхонанинг ўзида «зангори кема»лар сифатини яхшилаш, иқтисод ва тежамкорлик, маҳсулот турларини кўпайтириш, кооператив масалалари... Ташаббускор жон куйдиргани-куйдирган.**

**Гоҳида рафиқаси Наталья Анатольевна (у ҳам шу ерда инженер-технолог бўлиб ишлайди): «Намунча ҳаммада тиним бор-у, сенда тиним йўқ» деб қўяди. Аммо коммунист-токарь партия ташкилотининг жанговарлигини оширишга иложи борича кўпроқ ҳисса қўшиш, ҳамкасблари қалбига чуқурроқ кириб бориш иштиёқи билан ёнади.**

**Ҳ. АКРОМОВ.**



⊙ СУРАТДА: Константин Петякшев.
Т. Каримов фотоси.

## Матбуотнинг актив позицияси

Бутуниттифоқ XIX партия конференцияси қарорларида қайта қуриш жараёнида, социалистик демократияни ривожлантиришда оммавий ахборот воситалари ролини бундан буён ҳам ошириб бориш айтилган. СССР Журналистлар союзи билан Москва журналистлар ташкилоти правлениеларининг 14 декабрда бўлган пленуми ана шу асосий мавзуга бағишланди.

Правление раиси, «Правда» газетасининг бош редактори В. Г. Афанасьевнинг докладида ва пленум қатнашчиларининг нутқларида матбуот, телевидение ва радиоэшиттириш ходимлари конференциянинг мамлакатни социал-иқтисодий ва маънавий жиҳатдан ривожлантиришга, сиёсий ислоҳотни амалга оширишга фаол кўмаклашиш, ошкораликни кенгайтириш, ижобий тажрибани ишонч билан тарғиб қилиш хусусидаги наказини юксак масъулият ҳисси билан қабул қилганликлари таъкидланди. Журналистлар олдида турган вазифалар асосида ҳар бир район, шаҳар, область, ўлка, республиканинг иқтисодий ва социал ривожланиш планлари бажарилиши устидан назорат ўрнатишни ташкил этиш муҳимдир. Пленумда одамларда ортиқча саволлар туғдирадиган халқнинг муайян юмушларидан узоқ бўлган текширилмаган фактларни, тасодифий материалларни матбуотда эълон қилиш мумкин эмаслигига алоҳида эътибор қаратилди.

СССР Журналистлар союзи правлениеси раисининг биринчи ўринбосари И. А. Зубков пленум қатнашчиларига СССР Журналистлар союзидан СССР халқ депутатларига номзодлар кўрсатиш ва уларни сайлаш тартиби тўғрисида ахборот берди.

Пленумда АПН правлениесининг раиси А. И. Власов ва ТАСС бош директори Л. П. Кравченко правление раисининг ўринбосарлари этиб сайландилар. СССР журналистлар фондининг кенгаши ҳам тасдиқланди.

Пленум ишида КПСС Марказий Комитети идеология бўлими мудирининг ўринбосари Н. И. Ефимов қатнашди.

**(ТАСС).**

## Хизмат кўламини кенгайтириб

Аҳолидан ҳақ олиб кўрсатиладиган хизмат тури хўжалик ҳисобига, ўз-ўзини маблағ билан қоплашга ўтишда асосий роль ўйнайди. Тошкент фурнитура-пластмассалари экспериментал заводида бунга катта эътибор берилмоқда.

Аҳолидан ҳақ олиб амалга ошириладиган хизмат тури бўйича рўйхатга кўзингиз тушса, кўплаб металл гаражлар, каравотлар, дераза ва балкон панжаралари ва бошқа буюмлар тайёрлаб берилганлигини кўрасиз. Шуниси мақтовга лойиқки, бундай маҳсулотлар технологияни такомиллаштириш ҳисобига, аниқроғи, ишлаб чиқариш чиқиндиларидан оқилона фойдаланиш ҳисобига амалга оширилмоқда. Бу ерда иситиш системаларини қайта тиклаш, шахсий уйларнинг томларини тузатиб бериш, ҳатто квартираларни ремонт қилиб бериш каби ишлар ҳам йўлга қўйилган.

Хўш, бу ишларни ким амалга ошираяпти? Бош механик бўлими қошида ремонт-қурилиш комплекс бригадаси ташкил этилган бўлиб, асосий ва ёрдамчи ишлаб чиқаришга зарар етказмаган ҳолда аҳолига ана шу мақсадларда зарур ёрдам кўрсатиб келмоқда.

Бу борада тўпланган тажрибалар етарли. Шу йилнинг 10 ойи мобайнида мўлжалланган 27 минг сўмлик ишларни муваффақиятли амалга оширди.

Корхонада келгуси йилда аҳолига ҳақ олиб кўрсатиладиган хизмат ҳажми 30 минг сўмдан ортиққа мўлжалланмоқда.

**Д. ОБЛАЕВ.**

## Қудратимиз манбаи

**Ҳозирги кунда Иттифоқимизда юздан ортиқ миллат ва элатлар ёнма-ён яшаб, меҳнат қилмоқдалар. Саноат, экономика, илм-фан, маданият ва бошқа соҳаларда қўлга киритилаётган барча ютуқларда улар ўртасидаги дўстлик, бирдамлик ва ҳамкорлик муҳим роль ўйнаётир. Бу масалага XXVI Тошкент шаҳар партия конференциясида ҳам алоҳида эътибор берилгани ана шундан. Мухбиримиз конференция делегати, Ленин орденли Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 50 йиллиги номидаги тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмаси ишчиси Галина Фёдоровна Закритнаядан коллективдаги интернационал дўстлик ҳақида гапириб беришни илтимос қилди.**

— Қайта қуриш ва ошкоралик одамларнинг дилидагини тилига чиқараяпти. Очиғи, миллий масала шу даражада муҳим бўлиб, кун тартибига қўйилади, деб сира ўйламагандим. Сабаби, корхонада 30 йилдан ортиқ ишлаётган бўлсам бирортамиз миллат ажратиб, низо чиққанини эслолмаймиз. Бўлмаса бизнинг 1-цехда ўзбек, рус, украин, татар, қозоқ, озарбайжон каби ўндан ортиқ миллат вакиллари бор. Доим иноқмиз, муаммоларни ҳал қилишда дўстлик туйғулари сезилиб туради.

Оддийгина мисол, шогирдларимни олиб кўрайлик. Раҳим Боботуллаев — ўзбек, Полина Терминкова — корейс, Ольга Цикунова — рус... Улар жуда кўпчиликни ташкил этади. Ҳар бири касб сирларини пухта эгаллаган бўлишига қарамай, ҳанузгача мендан маслаҳат сўрашади. Энг муҳими, бир-бирлари билан қадрдон бўлиб қолганлар.

Коллективимиз катта, биргина бизнинг цехда 280 нафардан ортиқ киши меҳнат қилади. Корхона партия, комсомол ва касаба союз ташкилотлари уларни интернационал руҳда тарбиялашга эътибор бераяпти. Дам олиш кунлари коллектив бўлиб «Чимён» дам олиш зонасига бориш одат тусига кириб қолди. Ўтган йили цехимизда бошқаларга ўрнак кўрсатиб ишлаган 6 киши йўлланма билан Киев шаҳрига туристик саёҳатга бориб келишди. Шу ўринда бир воқеани айтиб бермоқчиман.

Раҳим Боботуллаев Киевга самолётда кетаётганда Алайс Лембит исмли эстон йигити билан танишиб қолади. Алайс Тарту шаҳридаги тикувчилик бирлашмасида бичувчи бўлиб ишлар экан. Ҳамкасблар ўртасида суҳбат қизиб кетади. Орадан кўп вақт ўтмай Раҳим дўстидан хат олди. Ўзи ҳам Эстонияга мактуб жўнатди. Шу тариқа уларнинг дўстлиги мустаҳкамланиб бормоқда. Раҳим кўпинча хатларни цехдаги тенгдошларига ўқиб беради. Ёшлар Тарту шаҳридаги бирлашмада иш унуми юқори эканлигини билиб олишди. Ҳозир уларга тенглашишга ҳаракат қилишаяпти. Корхона ҳаётидан бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Комсомол ташкилоти томонидан кутубхонада ўтказилаётган суҳбатлар менга маъқул бўлаяпти. Сабаби, ёшлар билан расмий тарзда эмас, ана шундай самимий, жонли, очиқчасига гаплашиш яхши самара беради.

Биз қолоқларсиз ишлаш, аралаш операцияларни ўрганиш, ишчилар малакасини ошириб бориш мажбуриятини олганмиз. Белгиланган ойлик планлар мунтазам 101—102 процентга етказиб бажарилаяпти. Тикув цехини бичилган материаллар билан текис таъминлаб туришимизда сўзсиз турли миллат вакилларининг бирлиги, ягона мақсад сари интилишимиз катта роль ўйнаётир.

Кейинги пайтда Тоғли Қорабоғ теварагида, Арманистон ва Озарбайжонда вужудга келган вазият, Болтиқбўйи ва бошқа баъзи регионлардаги мураккаб жараёнлар барча совет кишилари қатори мени ҳам ҳаяжонлантириб, ташвишга солмоқда. Одил давлатимиз миллатлараро муносабатларни яхшилаш учун барча чораларни кўраяпти. Менимча, ҳар бир миллат вакили аввало дўстлик туйғуларини ўзида шакллантириши, масъулиятни чуқур ҳис қилиши зарур. Ана шундагина муносабатларимиздаги муаммолар ўз-ўзидан ҳал бўлаверади.

Суҳбатни
**С. ШОДИЕВ**
ёзиб олди.

## Аҳолига қулайлик

**Аҳолининг троллейбус хизматига бўлган эҳтиёжи кун сайин ортиб боряпти. Бу қулай транспортга бўлган эҳтиёжни қондириш мақсадида ҳар куни 305 та троллейбус 21 та маршрутга бўлиниб ҳаракат қиляпти. 1-троллейбус депосида машиналардан айниқса унумли фойдаланиляпти. Юқори кўрсаткичга эришишда троллейбус «шифокор»лари Ш. Умаров, Х. Камолов, А. Аванесов ҳамда аварияcиз иш усталари Г. Карпова, Х. Файзиев, У. Ҳакимов, Э. Ниёзалиевларнинг хизматлари катта.**

**Троллейбуслар яхши созлангани туфайли ҳам уларнинг иш унуми ошяпти. Машиналарнинг техник носозлиги туфайли йўловчилар хизматидан депога қайтиб келиш ҳоллари анча камайди.**

**Троллейбус хўжалиги истиқболи порлоқ. Илгари Хадрада жойлашган 2-трамвай депоси қайта реконструкция қилиниб, уни троллейбус депосига айлантириш кўзда тутилмоқда.**

**Ф. АБДУРАҲИМОВ.**

## АРМАН ҲАЛҚИГА ҲАМДАММИЗ!

## ТОШКЕНТ КВАРТАЛИ БУНЁД ЭТИЛАДИ

Тошкент бинокорлари Арманистоннинг шаҳар ёки қишлоқларидан бирида умумий майдони 25 минг квадрат метр бўлган уй-жой кварталини, 1250 ўринли мактаб, 160 ўринли болалар боғчаси, магазинлар, маиший хизмат корхоналарини бунёд этадилар. Арманистон ССРнинг зилзиладан зарар кўрган аҳолисига ёрдам кўрсатиш мақсадида Ўзбекистон пойтахтида тузилган штабнинг қабул қилган дастлабки қарори шундай бўлди. Штабга Тошкент шаҳар партия комитетининг биринчи секретари Б. Ф. Сатин бошчилик қилмоқда. Шаҳар ижроия комитетида шаҳар лойиҳа институтлари ва қурилиш ташкилотлари раҳбарларининг шошилинч кенгаши бўлди. Қардош республикага, зудлик билан қидирувчи-инженерлар, архитекторлар, лойиҳачилар группасини жўнатишга қарор қилинди. Улар бўлажак қурилиш майдонини аниқлашлари лозим. Бу эса Тошкентда типовой лойиҳаларни тоғли ернинг муаяйн шароитларига мослаш имконини беради. Арманистонда қурилиши кўзда тутилаётган барча уйлар жуда кучли зилзилага бардошли бўлади. Бу уйлар 8 ва ҳатто 9 балли ер ости силкинишларига чидайди.

— Биз 1966 йил баҳорида қаттиқ вайронагарчилик келтирган зилзила натижасида жабрланган тошкентликларга арман қардошларимиз ёрдамга келганликларини яхши эслаймиз, — дейди шаҳар план комиссияси раисининг ўринбосари Н. Ортиқхўжаев ЎзТАГ мухбирига. — Ўшанда улар 15,3 минг квадрат метр уй-жойни бепул қуриб беришган эди. Энди ўз интернационал бурчимизни бажарадиган вақт келди.

Шаҳар штабига пойтахтимиз корхоналари ва ташкилотлари Арманистонга ёрдам бериш учун кўпдан-кўп ташаббус билан чиқаётганликлари ҳақида дастлабки маълумотлар кела бошлади. Собир Раҳимов районидаги 35-мактаб-интернат ўз биносини Арманистондан келадиган 300 нафар болани қабул қилиш учун бўшатиб берди. Мазкур интернат болаларини эса бошқа мактаблар ўз бағрига оладиган бўлди. Савдо бош бошқармаси юз минг сўмлик гўшт, консерва, нон-булка маҳсулотлари ва бошқа озиқ-овқатларни жўнатишга тайёрлаб қўйди. Тошкент экскаватор заводи арманистонлик қурувчиларга чўмичининг ҳажми 0,65 кубометр бўлган янги машинани юборди. «Ташгоршвейбит» ишлаб чиқариш бирлашмаси, «Меҳнат» касаначилик фабрикаси, жабрланган районлар аҳолисига ўз маҳсулотини — кийим-кечак ва кўрпа-тўшаклар юборишга тайёр. Шаҳар спорт комитети ўнлаб кўп ўринли палаткалар жўнатди...

Шаҳар штабидан маълум қилишларича, Тошкент аҳолиси уларга мурожаат этиб, жабрланганларни қабул қилишлари ҳақида таклифлар айтишмоқда. Елена Максимовна Пан ана шундай ташаббускорлардан. У ўғли билан бирга яшаётган ўзининг икки хонали квартирасида бошпанасидан ажралган оилани қабул қилишга тайёр.

## Дил сўзлари

«Дўст билан обод уйинг,
Гар бўлса у вайрона ҳам»,—

**Шоир ҳақ. Бугун кучли зилзиладан зарар кўрган Арманистон диёри дўстлар билан гавжум. Улар арман халқининг оғир мусибатига шерик бўлишяпти, Жабрдийдаларга қўлларидан келган ёрдамни беришяпти.**

**Азал-азалдан дўстпарвар бўлган бепоён мамлакатимиз кишиларининг бутун диққат-эътибори Арманистонга қаратилганлигига юқоридаги сўзлар далил. Бу умумхалқ юришидан республикамиз пойтахти меҳнат аҳли ҳам четда қолмаяпти. Йирик корхоналар ёрдам фонди учун шанбаликлар уюштирмоқда. Муассаса ва ташкилотлар ишчи ва хизматчилари бир кунлик, икки ва уч кунлик, ҳатто ҳафталик иш ҳақларини 700412 махсус счётига ўтказишмоқда. Маҳаллаларда ўтаётган митинг ва йиғилиш қатнашчилари табиий офатдан зарар кўрган қардошларга шахсий ёрдам бериш ташаббуси билан чиқишяпти.**

⊙ — Маҳалламизда 400 хонадон истиқомат қилади. Уларда уч ярим минг аҳоли яшайди. — дейди Фрунзе район Абдулла Қаҳҳор номли маҳалла комитетининг раиси Эргаш Маҳамедов. — Барчамиз арман халқи бошига тушган мусибатдан қаттиқ изтиробга тушдик. Митингда маҳалламиздаги ҳар бир оила зилзиладан зарар кўрганларга баҳоли-қудрат ёрдам беришга аҳд қилди. Бунда айниқса Тўйчи Алимбобоев, Эргаш Нурматов сингари активларимиз ибрат кўрсатишди. Аҳолидан йиғилган умумий жамғарма 1456 сўм пулни 700412 счётга топширдик.

⊙ — Алло, бу редакциями? Мен Собир Раҳимов район «Ғалабанинг 30 йиллиги» номли маҳалладан гапиряпман. Отим Анвар. Фамилиям Зарипов. Комитет активиман. Кеча маҳалламизда Арманистон диёрида юз берган зилзила муносабати билан митинг бўлиб ўтди. Йиғилиш қатнашчилари ташаббуси билан тўпланган 600 сўм пулни Арманистон ёрдам фондига ўтказдик.

⊙ — Арман халқи бошига тушган табиий офат бизнинг ҳам қайғумиздир, — деб ўз сўзини ифодалайди илмий атеизм институтининг Тошкентдаги республикалараро филиали директори А. Қўчқоров. — Коллективимизнинг ҳар бир аъзоси жабрланганларга чуқур ҳамдардлик билдирган ҳолда улар фондига 10 сўмдан 20 сўмгача ўтказишга аҳд қилди.

⊙ — Мен Юнусобод маҳалласида истиқомат қилувчи оила бошлиғи Ҳ. Қўчқоровман, деган овоз эшитилди телефон трубкасидан. — Уч ўғлим, икки қизим бор. Ўзим «Ташсельмаш» заводида ишлаб пенсияга чиққанман. Ўтган дам олиш куни оиламизнинг барча аъзолари тўпланишиб арман халқи бошига тушган мусибат ҳақида суҳбатлашиб қолдик. Шунда фарзандларимиз билан келишиб шахсий жамғармамиздан 700412 махсус счетга 300 сўм ўтказишга қарор қилдик.

⊙ Эрталаб автобусда келаётиб уч-тўрт ўқувчи қизлар суҳбатининг гувоҳи бўлдик.

— Мен зилзиладан зарар кўрган арманистонлик ўқувчи тенгдошларимга йиғиб юрган уч сўм пулимни юбораман.

— Мен икки сўм юбормоқчиман.

— Мен ҳам...

Гап 2—3 сўм пулда эмас. Лекин... шаҳримиздаги 24-мактаб ўқувчи қизларининг ушбу ҳимматига тасаннолар айтгинг келади.

**Хатлар, хабарлар, телефон қўнғироқлари бир зум тинмайди. Ҳамма арман халқига ёрдамга ошиқади, шу оғир кунларда уларга ҳамдард бўлсам дейди. «Дўст дўст бошига кулфат тушганда билинади». Гўё халқимиз бу мақолни яна бир бор амалда исботлаётгандек туюлади.**

## Мададкормиз

**Оқ халатли шифокорларимиз арман халқининг бошига тушган табиий офатнинг оғир мусибатларини чуқур ҳис этмоқдалар. Меҳнат Қизил Байроқ орденли Тошкент Давлат медицина институти I-клиник шифохонаси ходимларининг бўлиб ўтган митинги ҳам ана шу муҳим тадбирга бағишланди. Митингда терапия ишлари бўйича бош врач ўринбосари А. Минабиддинов сўзга чиқиб клиникадаги ҳар бир ихтисослаштирилган бўлимда махсус палаталар тайёр ҳолатга келтирилиб, улар зилзиладан заҳмат чеккан беморларни қабул қилиб олишга тайёр эканлиги ҳақида гапирди.**

**Сўзга чиққанлардан болалар касалликлари бўйича бош врач ўринбосари Ф. Жамилова Арманистондан олиб келинадиган бемор болалар учун клиниканинг болалар бўлими шай эканлиги ҳақида гапирди.**

**Клиника касаба союз ташкилотининг раиси Т. В. Попова клиника ходимларининг бир кунлик иш ҳақларини Арманистонга ёрдам фондига ўтказганликларини айтди. Шу кунга қадар шифокорлар 5 минг сўмдан зиёд пулни 700412 счётга ўтказишди.**

**Булардан ташқари, функционал диагностика бўлимининг врачи В. Г. Аллахвердов ўзининг 15 кунлик иш ҳақини ёрдам фондига ўтказиш тўғрисида касаба союз ташкилотига ариза топширди.**

**Қутбиддин НИЗОМОВ,**
**Тошкент Давлат медицина институти I-клиникасининг шифокори.**

